

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУРБАНОВ МАЪРУФЖОН МАМАДАМИНОВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ ҲАМДА**  
**ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ**  
**ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК**  
**ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Курбанов Маъруфжон Мамадаминович**

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари.....3

**Курбанов Маъруфжон Мамадаминович**

Уголовно-правовые и криминологические аспекты преступлений, связанных с воспрепятствованием и незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность .....25

**Kurbanov Marufjon Mamadaminovich**

Criminal-legal and criminological aspects of crimes related to obstruction and illegal interference in business activities .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУРБАНОВ МАЪРУФЖОН МАМАДАМИНОВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ ҲАМДА  
ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК  
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Yu203 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зуфаров Рустам Ахмедович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуқодиров Шерзод Ёқубжонови**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Хасанов Темур Халмамович**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «8» июль куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.:(99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (919-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «24» июнь куни тарқатилди.

(2020 йил 24 июндаги 2-рақамли реестр баённомаси).

**У.А.Тухташева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

**Д.Г.Камалова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.С.Салаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор в.б.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини муҳофаза қилишнинг жиноят-ҳуқуқий механизмларни самарали қўллаш зарурати мунтазам равишда муҳокама қилиб келинмоқда. 2018 йилда дунё миқёсида 15 млн.га яқин мулкка қарши қаратилган жиноятлар содир этилган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 20%га ошган<sup>1</sup>. БМТ шарҳларига кўра, тадбиркорлик (бизнес) субъектларига қарши жиноятлар содир этилишининг асосий сабабларидан бири мазкур жиноятлар объектининг лозим даражада муҳофаза қилинмаётганлиги, мансабдор шахслар мулкка қарши жиноятининг латентлиги даражасининг юқорилиги, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашининг иқтисодий барқарорликка хавф соладиган ижтимоий хавфли қилмиш эканлиги ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда жиноят объекти сифатида тадбиркорлик фаолиятини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тенденциясини ўрганиш, иқтисодий барқарорликка эришишда мулк дахлсизлиги, бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таҳлиллар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мулк ва мулквий ҳуқуқларни, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш, самара бермаётган фуқаролик ва маъмурий-ҳуқуқий воситалардан жиноят-ҳуқуқий ҳимоялаш тенденциясига ўтиш бўйича қонунчилиқни такомиллаштириш ҳамда мулкка ва тадбиркорлик фаолиятига қарши жиноятларни олдини олишнинг янги йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда мулк дахлсизлигини муҳофаза қилиш, мулкнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилигини кафолатлаш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес шароитини янада яхшилаш юзасидан туб ислохотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти жиноят объекти сифатида қўриқланиши, жумладан мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда қонунга хилоф равишда аралашин билан боғлиқ қилмишларини криминализация қилинганлиги, тадбиркорлик фаолиятига қарши ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида махсус ваколатли тузилмалар ташкил этилганлиги, шунингдек «жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг

---

<sup>1</sup> [www.unodc.org](http://www.unodc.org)

устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган»<sup>2</sup>лиги мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–4848-сонли, 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли, 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5409-сонли, 2019 йил 14 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5718-сонли фармонлари, 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2833-сонли, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сонли, 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4742-сонли қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналиши»га мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик масалалари республикамизда Қ.Р.Абдурасулова, Ш.Ё.Абдуқодиров, Г.У.Ахмедова, Б.Д.Ахраров, Р.А.Зуфаров, Р.Кабулов, О.М.Махкамов, М.Х.Рустамбаев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДҲга аъзо давлатларда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик масалалари Г.С.Аванесян, Д.И.Аминов, А.А.Аслаханов, А.В.Борбат, Ю.В.Вербицкая, Е.Е.Дементьева, А.Ю.Ежов, А.В.Зарубин, О.Г.Карпович, Н.А.Лопашенко, М.Ф.Мусаелян, Г.К.Смирнов ва бошқалар<sup>3</sup> томонидан ўрганилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. № 6. 70-модда.

<sup>3</sup> Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Хорижий олимлар Anne-Marie Kilday (Буюк Британия), David Nash (Буюк Британия), Frank E. Vogel (Германия) ва бошқалар томонидан мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, айнан тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик ва унинг олдини олиш юзасидан алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жиноят кодексини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари» илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш, сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар тушунчаси ва унинг учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини ўрганиш;

баъзи хорижий мамлакатлар қонунчилигида тадбиркорлик фаолиятига қарши жиноятлар учун жавобгарликни қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш;

тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ қилмишларни квалификация қилиш ва айрим ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш масалаларини ёритиш;

тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ илмий ва амалий

муаммоларнинг назарий таҳлили, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормалари, ўрганилаётган муаммога доир илмий ишлар, шунингдек кўрсатилган тоифадаги жиноятлар бўйича суд амалиётидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини ёзишда умумий илмий услублар: функционал ёндашув, мантиқийлик, тизимлилик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, социологик сўровлар ўтказиш каби методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хусусий мулк ҳуқуқи ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузганлик, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатганлик, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддалар санкцияларини ўхшаш таркибли жиноятлар учун белгиланган жазо миқдори ва муддатларига ўзаро мувофиқлаштириш зарурлиги асосланган;

тадбиркорлик субъектининг ички ишлар органларига қилган мурожаати асосида унинг фаолиятини ўрганиш ва натижаси бўйича унга тегишли хулоса, маълумот ва тавсиялар бериш, шунингдек тадбиркорлик субъекти билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси, ёнғин, портлаш ва бахтсиз ҳодисалар юзасидан терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиш тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралаштиш ҳисобланмаслиги асосланган;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ёки жисмоний шахсларнинг мулкларини қонунга хилоф равишда тасарруф қилишда ифодаланган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жиноят кодекси 192<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган хусусий мулк ҳуқуқини бузишнинг аломатларини ташкил этиши, шунингдек назорат ишларини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви Жиноят кодексининг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, ноқонуний аралаштиш билан боғлиқ ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузишга қаратилган жиноятлар билан тавсифланиши лозимлиги асосланган;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилишда ифодаланадиган мансабдор шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш тартибини бузиш, фаолиятини ёки уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, муайян фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни рад қилиш ёки уни беришдан бош тортиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни



ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилишда намоён бўлиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мулк ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ эканлиги, шунингдек жиноят қонуни Махсус қисмида жиноятлар объекти жиҳатидан мавжуд тизимлилиқ ва мантиқий кетма-кетликдан келиб чиқиб, ЖКнинг 192<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган қилмишнинг ЖКнинг VII бобида «Мулк ҳуқуқини бузиш» номи билан жойлаштирилиши зарурати асосланган;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштириш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятларни «ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида» содир этилишини қилмишни квалификация қилувчи белги сифатида дифференциация қилиш зарурати асосланган;

ЖКни қонунга хилоф равишда тадбиркорлик субъекти фаолиятига аралаштириш, унинг бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш, мулкый зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи «192<sup>1</sup>-модда (рейдерлик)» билан тўлдириш кераклиги исботланган;

ЖКнинг 192<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисми диспозициясидан «ташаббуси билан чиқиш ва (ёки)» жумласини чиқариш зарурати асосланган;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштириш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорида қатор тушунтиришлар беришга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилиши зарурати асосланган;

жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятларга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш ҳамда бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган. Бундан ташқари, ҳулосалар социологик тадқиқотлар, статистик маълумотлар ва суд ҳукмларининг таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Ҳулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар жиноят ҳуқуқи ва криминология фанлари назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган

хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳукуқи ва криминология фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олишнинг мавжуд муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олиш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

ЖКнинг 192<sup>1</sup> (хусусий мулк ҳукуқини бузиш), 192<sup>2</sup> (тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш), 192<sup>3</sup> (тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш), 192<sup>4</sup> (тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш) моддалари санкцияларини ўхшаш таркибли жиноятлар учун белгиланган жазо миқдори ва муддатларига мослаштириш лозимлиги тўғрисидаги таклиф ЖКнинг 192<sup>1</sup>, 192<sup>2</sup>, 192<sup>3</sup>, 192<sup>4</sup>-моддалари санкцияларига ўзгартириш киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари Қўмитасининг 2019 йил 30 октябрдаги 06-14/2206-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар жиноий жазо тайинлашда одиллик принципига риоя қилинишини таъминлашга хизмат қилган;

тадбиркорлик субъектининг ички ишлар органларига қилган мурожаати асосида унинг фаолиятини ўрганиш ва натижаси бўйича унга тегишли хулоса, маълумот ва тавсиялар бериш, шунингдек тадбиркорлик субъекти билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси, ёнғин, портлаш ва воқеа ҳамда бахтсиз ҳодисалар юзасидан терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиш тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашуш ҳисобланмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 февралдаги «Ички ишлар органлари ходимларининг хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувни чеклаш тўғрисида»ги 56-сон буйруғининг 3-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрдаги 33/01-02/2656-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши ички ишлар органлари ходимларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда қонунга хилоф равишда аралашувининг олдини олиш ҳамда бундай аралашувнинг чегарасини белгилаш ва аниқлаштиришга хизмат қилган;

«тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бошқа шахсининг, бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг мулкларини қонунга ҳилоф равишда тасарруф қилишда ифодаланган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жиноят кодекси 192<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган хусусий мулк ҳуқуқини бузиш жинояти аломатларини ташкил этади», «назорат ишларини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви Жиноят кодексининг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, ноқонуний аралашуш билан боғлиқ ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузишга қаратилган жиноятлар билан тавсифланади» мазмунидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорининг 6–7-бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПЛ-67-19–сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши суд амалиётида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга ҳилоф равишда аралашуш билан боғлиқ қилмишларга тўғри ҳуқуқий баҳо беришга, адолатли жазо тайинланишига хизмат қилган;

«тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилишда ифодаланадиган мансабдор шахсининг ғайриқонуний ҳаракатлари хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш тартибини бузиш, фаолиятини ёки уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб туриш, ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, муайян фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни рад қилиш ёки уни беришдан бош тортиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилишда намоён бўлади» мазмунидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорининг 8-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПЛ-67-19–сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши суд амалиётида тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашуш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ қилмишларга тўғри ҳуқуқий баҳо беришга ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 3 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 6 та илмий мақола (улардан 2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг умумий тавсифи»** номли биринчи бобда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар тушунчаси, бу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати ёритилиб, унинг ҳуқуқий белгилари, ижтимоий хавfli қилмиш сифатида тақиқланишига доир назарий-ҳуқуқий қарашлар ўрганилган, баъзи хорижий давлатлар қонунчилигидаги тадбиркорлик фаолиятига қарши жиноятлар учун белгиланган жавобгарлик, хорижий давлатлар қонунчилигига оид нормалар миллий жиноят қонуни нормалари билан қиёсий таҳлил қилинган. Бунда диссертант ЖК XIII<sup>1</sup> бобдаги тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ олтита норма (ЖК 192<sup>1</sup>–192<sup>6</sup>, 192<sup>8</sup>)ни ажратиб олган.

Муаллиф ушбу бобда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини ўрганиб, кишилик жамияти ривожининг турли босқичларида мулкка ва мулккий ҳуқуққа оид муносабатларнинг шаклланишини қадимдан мулк ҳуқуқнинг энг устувор қадриятларидан бири эканлиги билан боғлаб тадқиқ қилган.

Жумладан, тадқиқотчи антик даврдаги давлатларда мулккий муносабатларнинг ўзига хос жиҳати бу қулдорлик билан боғлиқлиги, қул ўз эгасининг мулки саналганлиги, римлик ҳуқуқшунослар хусусий мулк эгаси тўғридан-тўғри тақиқ мавжуд бўлмаган ҳолларда ўз мулки билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши мумкинлиги тўғрисидаги принципни илгари суришганлиги ва бу қоида ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигини қайд этган.

Ўз навбатида, муаллиф ушбу бобда мулк ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик, жумладан жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларнинг ривожланиши тарихини ёритишда ҳар бир даврга алоҳида ёндашиб, қадимдан мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш турли усул ва воситалар билан амалга оширилганлигини, уларнинг ҳуқуқий асослари сифатида Авесто, мусулмон

ҳуқуқи манбалари, Ясо қонунлари ва Темур тузуклари амалда бўлганлигини, улардаги мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларнинг аниқ таърифи келтирилганлигини қайд қилган. Жумладан, мусулмон ҳуқуқи манбаларида мулкдорнинг мулк ҳуқуқига тажовуз қилганликда ифодаланувчи ҳуқуқбузарлик – «ғасб» тадқиқ этилган жиноятлар мазмун-моҳиятига жуда яқин эканлиги аниқланган.

Диссертант собиқ иттифоқ даврида хусусий мулк ёки мулкдорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш амалда деярли мавжуд бўлмаганлиги ҳамда ҳокимият мулк ҳуқуқининг ҳимоясини амалда таъминламаганлиги сингари икки ўзига хос жиҳатни ажратиб кўрсатган. Шунингдек, бу даврда мулкка эга бўлишнинг асосий воситаларидан бири – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг ўзи жиноят, деб белгиланганлигига тўхталган.

Муаллиф бозор муносабатлари хусусий мулк асосида ташкил топиши, тадбиркорлик фаолияти воситасида ҳаракатга келиши, хусусий мулкка асосланган тадбиркорликнинг ривожланиши жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни бошқариш тизимида демократик тамойилларга амал қилиш устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишига тўхталиб ўтган.

Тадқиқот ишида бир қатор олимларнинг мавзуга оид қарашлари таҳлил этилиб, М.Х.Рустамбаев, Р.Кабулов, Р.А.Зуфаров, Б.Д.Ахраров, Қ.Р.Абдурасулова, Ш.Ё.Абдуқодиров, Г.У.Ахмедова, О.М.Махкамов, Anne-Marie Kilday, David Nash, Frank E.Vogel, Г.С.Аванесян, Д.И.Аминов, А.А.Аслаханов, Е.Е.Дементьева, А.Ю.Ежов, Н.А.Лопашенко, М.Ф.Мусаелян, Г.К.Смирнов, А.В.Борбат, А.В.Зарубин ва бошқаларнинг фикрларини ўрганган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларда жиноят субъекти махсус субъект – мансабдор шахс бўлиши, жиноятнинг асосий ва кўшимча бевосита объекти тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, шунингдек ҳокимият ва бошқарув тартиби эканлиги, тажовуз, асосан тадбиркорлик фаолиятига қарши қаратилиши каби ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Ўз навбатида, тадқиқ этилаётган мавзу бўйича ягона ёндашувнинг йўқлиги ҳамда унга аниқ илмий ва ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги, унинг ҳуқуқий мақоми жиноят-ҳуқуқий сиёсат доирасида комплекс, тизимли ўрганилмаганлиги, жиноят қонунчилигини қўллашда жиноят ҳуқуқининг қатор институтлари билан узвий боғлиқлиги алоҳида кўрсатилган.

Мазкур бобда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларга оид асосий тушунчалар мазмун-моҳияти очиб берилган. Жумладан, «тадбиркорлик», «тадбиркорлик фаолияти», «тўсқинлик қилиш», «қонунга хилоф равишда аралашиб» тушунчалари ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, «тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш» ва «тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб» билан боғлиқ жиноятларнинг фарқлари кўрсатилган.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги айбдорнинг

мансаби ёки юклатилган хизмат вазифасидан фойдаланиб тадбиркорлик субъектининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда қонунга хилоф равишда аралашishi натижасида шахс, жамият ва давлат манфаатларига путур етказишида, шунингдек тадбиркорлик ташаббусининг бўғилиши, ишлаб чиқаришнинг секинлашуви, маҳаллий капиталнинг четга чиқиб кетиши, инвестициявий жозибадорликнинг йўқолиши ва шу каби бошқа кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатишда намоён бўлиши исботланган.

Диссертацияда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашishi билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан бу борадаги айрим хорижий давлатлар жиноят қонун нормаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгаллиги, хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида тадқиқ этилаётган қилмишлар учун жинойий жавобгарлик белгиланган нормалар тузилиши турлича эканлиги асосланган. МДХга аъзо мамлакатлар – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Арманистон, Грузия, Беларусь, Озарбайжон Республикалари, шунингдек ХХР, Германия, Испания, Болгария, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили уларда ҳам тадқиқ этилаётган қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилганлиги кўрсатилган.

Диссертант аксарият Европа давлатлари жиноят қонунчилигидаги тадбиркорлик фаолиятига қарши жиноятларни хусусиятига кўра қуйидаги икки гуруҳга бўлган:

– қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш (тадбиркорлик фаолияти эркинлиги);

– ғайриқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш.

Шунингдек, тадқиқотчи тадбиркорлик фаолиятини жиноят объекти сифатида муҳофаза қилувчи миллий жиноят қонунчилигидан фарқли равишда аксарият Европа давлатларида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки унинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун фуқаролик ва маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик назарда тутилганлигини, шундан келиб чиққан ҳолда айрим олимларнинг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тенденциясидан воз кечиш, шу билан бирга бу каби муносабатларда фуқаролик ва маъмурий-ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш йўлига ўтиш ғоясини илгари суришга қаратилган фикрларига кўшилмаслигини билдириб, ўз позициясини қуйидагича асослаган:

– бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий муҳит, мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, жиноят-ҳуқуқий воситаларни қўллаш зарурати мавжуддир;

– иқтисодиёти ривожланган Европа давлатларида бу каби муносабатлар жиноят-ҳуқуқий воситалар билан тартибга солинмайди;

– иқтисодиёти барқарор ривожланган мамлакатларда айни кундаги ҳолат келгусида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиши билан боғлиқ критик вазият юз берганида жинойий жавобгарликни кўриб чиқиш масаласини ҳеч ким инкор эта олмаслигини таъкидлаб, тадбиркорлик фаолиятини жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш инвестициявий жозибадорликни ошириш, мулк

ҳуқуқи дахлсизлигини ишончли кафолатлаш, ташкилий-бошқарув ходимлари профессионаллашуви жараёнида ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этишига алоҳида урғу берган.

Диссертациянинг «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятларнинг юридик таҳлили»га бағишланган иккинчи бобида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятларнинг объектив ва субъектив белгилари таҳлил қилиниб, мазкур жиноятларни квалификация қилишнинг айрим масалалари тадқиқ этилган.

Диссертант ушбу бобда ўрганилаётган жиноятлар объекти хусусида сўз юритиб, уларнинг «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар» бўлимида жойлашганлигига аҳамият бериш лозимлигини, қонун чиқарувчи бундан олдин хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгилаган ЖК 206<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган қилмиш объектига кўра бешинчи бўлим – ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар бўлимида жойлаштирилганлигини, ушбу ҳолатда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасдан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақидаги ахборотни талаб қилиши каби қилмишларнинг объекти қайси ижтимоий муносабатлар бўлганлигини, ЖК 206<sup>1</sup>-моддаси қайси қонуният ёки мантиққа кўра ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар бўлимида жойлаштирилганлиги, нима учун XIII<sup>1</sup> боб умуман бошқа – учинчи бўлим – иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўлимида жойлаштирилганлигини танқид қилган.

Тадқиқотчи амалдаги жиноят қонуни бўйича тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятларнинг асосий бевосита объектини фуқароларнинг хусусий мулки дахлсизлиги ва уни ҳимоя қилиш; тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш; тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тартибини таъминлаш; тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағларини эркин тасарруф этишини тартибга солиш; тадбиркорлик субъектлари фаолиятини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қўллаш тартибини таъминлаш; тадбиркорлик субъектларига қонунда кўрсатилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш тартибини таъминлаш каби ижтимоий муносабатлар ташкил этишини асослаган. Бундан ташқари, муаллиф мазкур турдаги жиноятларнинг кўшимча бевосита объекти

мансабдор шахслар ёки хизматчиларнинг ўз мансаб ёки хизмат фаолиятини олиб боришнинг нормал тартиби, факультатив бевосита объекти мулкдор ёки тадбиркорнинг соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати эканлиги бўйича фикр билдирган. Бирок, тадқиқотчи тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар субъекти махсус субъект эканлиги, шунингдек қилмишнинг объектив белгиларига асосланиб, мазкур турдаги жиноятларнинг асосий бевосита объекти мансабдор шахслар ёки хизматчиларнинг ўз мансаб ёки хизмат фаолиятини олиб боришнинг нормал тартиби эканлигини, ЖК XIII<sup>1</sup> боби ундаги нормалар объектига мос бўлишда жойлаштирилмаган, деган хулосага келган.

Тадқиқотчи яқка тартибдаги тадбиркор ёки таъсисчи ёхуд мулкдор сифатида де-юре бошқа шахс, де-факто эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган, иш юритадиган шахс бошқа бўлган ҳолатларда ҳақиқий бенефициар, «соядаги директор»га нисбатан тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштириш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ қилмиш содир этилганда тадқиқ этилаётган жиноят қонуни нормалари билан жавобгарликка тортиш масаласи баҳсли эканлигини қайд этган.

Муаллиф тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг субъекти махсус, яъни назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органи ёки ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси эканлиги, лекин қонун чиқарувчи томонидан мансабдор шахс ва хизматчининг жавобгарлиги жиноят субъектининг хусусиятига кўра дифференциация қилинмаганлиги, бундан ташқари, «ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган» тушунчаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ ўз ифодасини топмаганлигига ҳам тўхталган.

Диссертацияда кўриб чиқиляётган жиноятлар қайси соҳа ходимлари томонидан содир этилаётганлиги атрофлича ўрганилган. ЖКнинг 192<sup>1</sup>–192<sup>6</sup> ва 192<sup>8</sup>-моддалари бўйича республика судларида кўрилган жиноят иши материаллари ўрганилиб, ушбу жиноят асосан мансабдор шахслар (84 %) томонидан содир этилганлиги кўрсатилган. Шу билан бирга ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ ҳолатлар асосан туман/шаҳар/вилоят ҳокимликлари мансабдор шахслари ва хизматчилари (72 %) ҳамда давлат солиқ хизмати мансабдор шахслари ва хизматчилари (64 %) томонидан содир этилганлиги аниқланган.

Тадқиқотчи томонидан қонун чиқарувчи жиноят қонунчилигига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини жиноят-ҳуқуқий воситалар ёрдамида муҳофаза қилишда қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, асосий солиқ тўловчи ҳамда ижтимоий функцияларини амалга ошираётган субъектлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлашни мақсад қилганлигини келтириб, ЖК XIII<sup>1</sup> бобидаги жиноят таркиблари хусусиятидан келиб чиқиб, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилмаслигини, уларга нисбатан содир этилган қилмишда тадбиркорлик



фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш таркиби мавжуд бўлмаслигини, балки унда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти сифатида баҳоланиши лозимлигини қайд этган.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонуни (ЖПК 22<sup>1</sup>-боб)га мувофиқ тафтиш ўтказилганда уни ўтказиш учун тайинланган шахслар томонидан белгиланган тафтиш қилиш тартибини бузиш ЖК 192<sup>2</sup>-моддаси объектив томонини ташкил этиши, тафтиш ўтказиш учун тайинланган шахслар мазкур жиноят субъекти бўлиши, шунингдек ЖК 192<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган «тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш»да ифодаланадиган қилмишни декриминализация қилиш зарурати асослантирилган.

Муаллиф тадбиркорлик субъектининг ички ишлар органларига қилган мурожаати асосида унинг фаолиятини ўрганиш ва натижаси бўйича унга тегишли хулоса, маълумот ва тавсиялар бериш, шунингдек тадбиркорлик субъекти билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси, ёнғин, портлаш ва воқеа ҳамда бахтсиз ҳодисалар юзасидан терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиш тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашиш ҳисобланмаслигини асослаб берган.

Тадқиқ этилаётган жиноятларнинг субъекти махсус субъект ҳисобланса-да, ЖК 192<sup>1</sup> ва 192<sup>4</sup>-моддаларида мансабдор шахс ва хизматчи жиноят субъекти сифатида ўз хусусиятига кўра дифференциация қилинмаганлигини кўрсатиб, диссертант жиноят қонунини 3 та ҳолат (192<sup>7</sup>, 192<sup>10</sup>, 214-модда)да хизматчи жиноят субъекти сифатида тўғридан-тўғри кўрсатилганлигини, шулардан фақат 1 та ҳолат (ЖК 192<sup>7</sup>-модда)да хизматчи жиноят субъекти сифатида мансабдор шахс билан бирга ифодаланган бўлса, қолган ҳолатлар (ЖК 192<sup>10</sup>, 214-модда)да хизматчи жиноят субъекти сифатида мансабдор шахсдан алоҳида ифодаланганлиги нуқтаи назаридан уларнинг жавобгарлигини дифференциация қилиш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келган.

Шунингдек, ўрганилаётган жиноятлар мансабдор шахс ва хизматчи томонидан тўғри қасд билан, тадбиркорлик субъектига нисбатан ўзининг ваколатини «кўрсатиб қўйиш», тадбиркорлик субъектининг уларга хайрихоҳ эмаслиги учун «жазолаш» мақсадидагина содир этилмаслигини, бу турдаги жиноятлар мансабдор шахс ва хизматчининг ўзини эҳтимолий хавфдан «суғурта қилиш» мақсадида, қонун ҳужжати нормаларини қўллаш амалиётининг етарли эмаслиги оқибатида содир этиши мумкинлиги қайд этилган. Бундан ташқари, К.Ворожко, Г.Аванесян ва бошқа олимларнинг бу турдаги қилмишларни ғараз ва бошқа паст ниятларда ҳам содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларини қўллаб-қувватлаб, мазкур ҳолатни оғирлаштирувчи белги сифатида киритиш зарурлигини қайд этган.

Жиноятларнинг объектив ва субъектив белгилари, ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш масаласида диссертант тадқиқ этилаётган жиноятларни таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга

тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишга оид тушунтиришлар билан тўлдирилиши лозимлигини асослантирган.

Диссертациянинг «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг кримнологик тавсифи»га бағишланган учинчи бобида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш чоралари таҳлил қилинган.

Ушбу бобда мазкур жиноятларнинг динамикаси, даражаси, тузилишига оид статистик маълумотлар таҳлил қилинган. Жумладан, 2015 йилдан ҳозирга қадар содир этилган ушбу турдаги жиноятлар орасида хусусий мулк ҳуқуқини бузиш 32 %, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш 54 %, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш 14 %ни ташкил этганлиги аниқланган.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий муҳитга таъсири ўрганилган, ушбу жиноятларни вужудга келтирувчи ижтимоий омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, умумий жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитлари ва тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг сабаб ва унга имкон берган шарт-шароитлари ажратилиб, аниқлаштирилган.

Таҳлил этилаётган жиноятларга имкон берган шарт-шароитлар сифатида юқори турувчи органлар томонидан назоратнинг сустлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги лозим даражада таъминланмаслиги, мансабдор шахс ва хизматчиларнинг ўзаро айбини яшириши каби ҳолатлар келтирилган. Шунингдек, қонунчиликда мавжуд айрим бўшлиқлар, баъзи ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан етарли даражада тартибга солинмаганлиги ҳам мазкур турдаги жиноятлар содир этилишига туртки бўлаётганлиги кўрсатилган.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг асосий сабаблари сифатида мансабдор шахслар ва хизматчилар иш ҳақининг қониқарли эмаслиги, уларнинг зиммасига функционал вазифаларидан ташқари бошқа вазифаларнинг ҳам юкланиши, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар, шунингдек уларга имкон берган шарт-шароитларидан бири сифатида жабрланувчиларнинг виқтим хулқ-атвори, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги, жиноятлар латентлигига айнан жабрланувчиларнинг ўзлари сабабчи бўлиши кўрсатилган.

Бу турдаги жиноятлар латентлигининг юқорилиги сўровномада иштирок этган респондентларнинг 66 % содир этилган жиноятлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига келгусида тадбиркорлик фаолиятини амалга

оширишида салбий таъсир кўрсатишидан хавфсираб хабар бермаганлигини кўрсатганлиги билан асослангилган.

Тадқиқотнинг ушбу бобида суд ҳукмларини таҳлил қилиш асосида мазкур жиноятларни содир этган шахсларнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари, улар типологиясига оид маълумотлар, жиноятчи шахсининг кримнологик портрети ишлаб чиқилган.

Муаллиф мазкур турдаги жиноятлар:

– иқтисодий ва ижтимоий инфратузилма унча яхши ривожланмаган ҳудудлар – қишлоқлар, туманлар, шаҳарчалар, туманга бўйсунувчи шаҳарларда – камроқ (35 %);

– иқтисодий ва ижтимоий инфратузилма анча яхши ривожланган ҳудудлар – вилоятлар марказлари, йирик саноатлашган шаҳарлар, саноат зоналарида – кўпроқ (65 %) содир этилишини аниқлаган.

Диссертацияда мазкур турдаги жиноятлар кўпроқ 40-60 ёшдаги шахслар – 40 %, 30-40 ёшгача бўлганлар – 36 %, 18-30 ёшгача бўлганлар – 24 % содир этиши кўрсатиб ўтилган.

Муаллифнинг фикрича, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларни содир этган жиноятчи шахси қуйидаги типологияга ажратилган: тамагир; ашаддий; ўта ашаддий.

Ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг фикрига кўра, тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ энг кўп содир этиладиган қилмишлар фаолиятни текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш (28 %), пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш (34 %) эканлиги аниқланган.

Муаллиф бу турдаги жиноятларнинг содир этилиши тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолиятини амалга оширишда бошқа ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар содир этилишига имкон беришини қайд этиб, жумладан, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш мисолида уни асослангилган.

Диссертант тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг иқтисодий самарадорлиги юзасидан махсус экспертиза ўтказиш зарурати мавжудлигини асослангилган.

Тадқиқотчи тадбиркорлик субъектлари солиқ тўловчи сифатидагина эмас, балки янги иш ўринлари яратувчи потенциал иш берувчи сифатидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашишни ижтимоий заруратга айлантиришини қайд этган.

Ишда жиноятчиликнинг олдини олишда қуйидаги ёндашувлар кенг қўлланилиши кераклиги асосланган: тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий онг даражасини ошириш; «рейдерлик» билан боғлиқ қилмишни криминализация қилиш; содир этилган жиноят учун жазони

